

2023  
2-son

# TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal



ISSN 2181-8274



Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal.  
1996-yilda tashkil etilgan.

Tahrir hay'ati raisi:

**Sh.U.Yakubov**

Oliy ta'limgizi rivojlantirish tadqiqotlari va ilg'or texnologiyalarni tatbiq etish markazi direktori

Tahrir hay'ati raisi o'rinnbosari:

**M.X.Esanov**

Bosh muharrir:

**A.T.Eshmurodov**

Bosh muharrir o'rinnbosari:

**A.A.Sabriev**

Tahrir hay'ati a'zolari:

**L.R.Zaripov**

**A.A.Dadasheva**

**Sh.A.Rasulov**

**M.M.Inagamova**

**S.Q.Maxsumova**

**S.S.Samandarov**

**M.Q.Sultonov**

**S.S.G\*oziyev**

**O.N.Toshpulatov**

Jamoatchilik kengashi a'zolari:

**Q.X.Abduraxmanov**

**Sh.T.Qudratxo'ja**

**G.Sh.Rixsiyeva**

**Sh.S.Sirojiddinov**

**R.I.Xolmurodov**

**A.I.Toshpulatov**

**N.M.Jabborov**

**M.A.Raxmatullaev**

**T.Z.Teshabayev**

Dizayner:

**S.Musamedov**

# TA'LIM, FAN VA INNOVATSIIA

## Shoira Bekchonova.

Kiber pedagogika – XXI asrda raqamli ta'limgizi muhit pedagogikasi ..... 6

## Jasurbek Qurbonov.

Bo'lajak o'qituvchilar tomonidan yangi pedagogik texnologiyalarni olib ta'limgiza joriy etishning ijtimoiy-pedagogik zaruriyat ..... 9

## Munisa Ashurova.

Bo'lajak informatik o'qituvchilarining mantiqiy fikrlashi uchun muhim bo'lgan shaxsiy fazilatlar ..... 12

## Jamshid Xudaykulov.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida o'qish savodxonligini oshirishda interfaol metodlardan foydalanish ..... 15

## Maxmuda Dexqonova.

Sog'iom turmush tarzini shakllantirishda sportning o'rni va ahamiyati ..... 18

## Muzaffarjon Jo'rayev.

Yangi avlod darsliklarining kognitiv va ijodiy salohiyati kasbiy tayyorgarlikning muhim omili sifatida ..... 22

## Nargiza Diyorova.

Lessons in pedagogy with modern information technology devices ..... 25

## Ravshanbek Mavlonov.

Pedagogika nazariyasini va amaliyotiда integratsion ёндашувни кўллашнинг ахамияти ..... 28

## Dildora Axatova.

Abu Ali ibn Sino va Alisher Navoiy asarlari uyg'unligining ilmiy ahamiyati ..... 30

## Aybek Igilikov.

Oliy ta'limgizi muassasalarida mathcad dasturi asosida o'qitish metodikasini shakllantirish ..... 32

## Aziza Kurbonova.

Ummumta'lim muassasalarinin madaniy-ma'rifiy sohasini klasterli ёндашув asosida rivojlanishi ..... 35

## Elnur Mirzayev, Rayhon Ergasheva

Geometrik shakllardan foydalanim natyurmort ishslash metodikasini takomillashtirish ..... 37

## Gulbahor Ishmurodova.

Tekhnologik ta'lim yuqituvchilarini tayёрлашни Steam ёндашувlari asosida takomillashaishi ..... 41

## Nuriddin Yakubjanov.

Ma'naviy tahdidlarning milliy g'oya va jamiyat taraqqiyotiga ta'siri va ularni bartaraf etish usullari ..... 45

## Nasiba Hodjaeva.

ANALIZ nekotorykh rezul'tatov pedagogicheskikh issledovanij podgotovki kadrov po nanotekhnologii ..... 48

## Baxtiёrjon Rassokov.

Milliy xuna'mandchilik turdlari va ularni ўkitiasha yuv ustaixonalararga kуйиладиган talablar ..... 51

## Shoixidaon Abdurahmonova.

Bўлажак мухандисlарнинг "materialshunoqlik" va "konstrukcion materiallар texnologiyasi" faniini ўkitisha asosida amaliy kасбий tайёрgarligini takomillashaishi metodikasi ..... 54

## Tulanimirza Niшonov.

Bўлажак iктисадchi talabalarning kасbий kompetenqsiyasi niшoвlantirishi asosida amaliy-kасbий masalalarning metodik xususiyatlari ..... 56

## Moxichehra Almardonova.

Kashta sifatidagi spektral – variativligining ba'zi jihatlari ..... 61

## Zafar Negmatov.

Markaziy Osiyoda "C5+1" loyihasi ahamiyati ..... 64

## Nilufar Isakulova.

Dun'e diniyari tarihi bўйича elektron al'ternativ ўkuv platformasini яратиш ..... 66

**Muassislar:**

*O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lif, fan va innovatsiyalar vazirligi,  
Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari va ilg'or texnologiyalarni tatbiq etish markazi*

**Manzil:** 100095, Toshkent shahri, Olmazor tumani, Shifo nur ko'chasi, 75-uy

**Telefon:** (71) 207-03-41

**e-mail:** rmxat@edu.uz

**Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligidan 2014-yil 26-dekabrda 0506 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.**

*Jurnal har ikki oyda o'zbek, rus va ingliz tillarida elektron shaklda chop etiladi.*

"Ta'lif, fan va innovatsiya"  
jurnali O'zbekiston Respublikasi  
Oliy attestatsiya komissiyasi  
Rayosatining 2015-yil 18-noyabrdagi  
218/5-sonli qarori bilan 13.00.00 –  
PEDAGOGIKA FANLARI bo'yicha,  
2018-yil 28-noyabrdagi 247/6-sonli  
qarori bilan 23.00.00 – SIYOSIY  
FANLAR bo'yicha doktorlik  
dissertatsiyalari asosiy ilmiy  
natijalarini chop etish tavsiya etilgan  
ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

"Ta'lif, fan va innovatsiya"  
jurnalidan ko'chirib bosish faqat  
tahririyatning roziligi bilan amalga  
oshiriladi. Maqolada keltirilgan  
faktlarning to'g'riligi uchun muallif  
mas'uldir. Tahririyat fikri mualliflar  
fikriga mos kelmasligi mumkin.

*Jurnalning to'liq matnnini **esijournal.uz** rasmiy saytidan yuklab olishingiz mumkin.*

*Magola va murojaatlarningizni  
@esijournalbot telegram botiga yuboring.*

**Алишер Азимов, Нафиса Таирова, Камола Арипова.**

О истории аксонометрических проекций ..... 69

**Feruza Kurbanova.**

Umummadaniy kompetensiya ta'lifning ajralmas qismi sifatida ..... 73

**Гулбахор Ишимуродова, Жонибек Халилов.**

Инсизлар ва банд бўлмаган ахолини касб-хунарларга ўқитишнинг  
психология-педагогик асослари ..... 76

**Faroxat Mirzayeva, Rahmonjon Darobov.**

Bo'lajak o'qituvchilarda muloqot madaniyatini rivojlantirishning o'ziga xos ahamiyati ..... 80

**Наргиза Раширова.**

Профессионал таълим муассасаси фаолияти – самарадорлигида педагог  
кадрларда жамоавий лидерлик компетентининг ахамияти ..... 84

**Mavluda Karimova.**

Umumta'lif maktablarida biologiya fanini o'qitish uchun ta'lif vositalari majmuasi ..... 86

**Хайринисо Фаниева.**

Ingлиз va ўзбек tillarida tiniш белгиларнинг тамойилларга  
аосоланиш жиҳатлари ..... 90

**Malikaxon Nurutdinova.**

Nodirabegim – Alisher Navoiyning ma'naviy shogirdi ..... 93

**Visola Raxmonova, Dilshoda Uchqunova, Gulayim Baymuratova.**

The blockchain computing model and its benefits ..... 96

**Baxrom Mavlyanov.**

Maktabgacha ta'lif muassasasida futbol darslarini  
tashkil etish metodikasi ..... 99

**Fazilat To'xtayeva.**

Raqamli savodxonlik ta'lif sifatini ta'minlash omili sifatida ..... 102

**Nigora Shakadirova.**

"Blended learning" texnologiyasi oliy ta'lif jarayonida talabalar  
faolligini oshiruvchi vosita sifatida ..... 106

**Насиба Тургунова.**

Ёшлар сиёсати ва уни амалга оширишга oid konceptual ёндашувлар ..... 109

**Asalxon Azizova.**

The use of contextual digital technology to improve students' self-efficacy ..... 114

**Lola Mahammadiyeva.**

Maktabgacha yoshdag'i bolalarda elementar matematik tasavvurlarni  
shakllantirish yo'llari ..... 117

**Nargiza Muhamadiyeva.**

O'quvchilarning hunarmandchilikka oid kreativ faoliyatini rivojlantirish imkoniyatlari ..... 120

**Feruza Xiloliddinova.**

Kommunikativ kompetentligini rivojlantirish ..... 123

**Malika Bayzakova, Dildora Utanbayeva.**

Pirls Xalqaro baholash dasturiga tayyorlash metodikasi ..... 126

**Кларахон Мавлонова.**

Matn tuziliishiغا доир таълимий бирликлар хусусида ..... 129

**Madinabonu Tairova, Nargiza Qodirova**

Maktabgacha ta'lif tashkilotlari me'yoriy hujjatlarini yuritish tizimini  
raqamlashtirishning metodlari, shakllari va vositalari ..... 133

**Бобур Қодиров.**

Remote labs metodidan foydalaniб маълумотлар базаси фани  
машгулотларини ташкил этиши ..... 136

**Sevara Giyosova.**

Teaching reading skills ..... 139

**Farxad Tashpulatov.**

Sambo kurashi bilan shug'ullanish jarayonida og'ir sport turlari bilan birga jismoniy  
mashqlar kompleks dasturlarini qo'llash ..... 142

**Gulnozaxon Rasulova**

3D texnologik muhit uchun ta'lif faoliyatini loyihalash ..... 144

**Abror inatov, Istam aminov**

Talabalarning informatika fanidan mustaqil ta'limga oid kasbiy kompetentligini  
shakllantirishda innovatsion texnologiyalarni qo'llash samaradorligi ..... 147

## МАТН ТУЗИЛИШИГА ДОИР ТАЪЛИМИЙ БИРЛИКЛАР ХУСУСИДА

**Кларахон Мавлонова,**

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, пед.ф.д. (PhD)

### **Аннотация**

Мазкур мақолада 5–9-сinf она тили дарсларида ўқувчиларга матн тузилишини ўрганиши имконини берадиган, яъни таълимий бирликларни ўзида акс эттирадиган компонентларни ойдинлаштириши, улар юзасидан қоидалар шаклида қандай билимлар бериши кераклиги лингвистик асослар таҳлили орқали аниqlанган.

**Калит сўзлар:** матн, матн тузилиши, матн компоненти, мураккаб синтактик бутунлик, абзац, композицион-стилистик бўлинши, мантиқий-маъновий, экспрессив-эмоционал, акцентли-ажратувчили абзацлар.

### **Аннотация**

*В данной статье при помощи анализа лингвистических оснований определяются компоненты, позволяющие учащимся усваивать структуру текста на уроках родного языка 5-9 классов, то есть уточняют компонентов, которые отражают учебные единицы, какие знания должны быть предоставлены по ним в виде правил.*

**Ключевые слова:** текст, структура текста, текстовый компонент, сложное синтаксическое целое, абзац, композиционно-стилистическое деление, логико-духовное, экспрессивно-эмоциональное, акцентно-разделительные абзацы.

### **Annotation**

*In this article, native language classes that in the 5-9th grades, it is determined through the analysis of the linguistic base, the clarification of the components that allow pupils to learn the structure of the text, in other words, the components that reflect the linguistic units, and how to provide knowledge about them in the rule forms.*

**Keywords:** text, text structure, components of text, complex syntactic unit, paragraph, compositional and stylistic clarification, logical-semantic paragraphs, expressive-emotional paragraphs, accented-classified paragraphs.

Она тили дарсларида ўқувчиларга матн тузилишини ўрганишга хизмат қилувчи матн компонентларни аниqlаштириш учун лингвистик асосларни белгилаб олиш зарурият ҳисобланади. Шу мақсадда матн тилшунослигига доир илмий-назарий манбаларни ўрганиш, матн тузилишини белгиловчи компонентларни аниqlаштириш билан боғлиқ таҳлиллар амалга оширилди: хориж, айниқса, рус тилшунослигига яратилган айрим ишлар [1], шунингдек, ўзбек тилшунослигига доир чоп этилган асарларга [2] мурожаат қилинди. Зоро, матннинг кичик бир кисми орқали бутун матн тузилишини билиб олиш мумкин бўлган яхлит бир компонентни ажратиш ва шу компонент асосида матн тузилишини ўрганиш – таълим мазмунини, қоидалар ва машқлар тизимини ишлаб чиқиши мумкин.

Матн лингвистикасига оид манбалардан маълумки, ҳозирги пайтда матн ҳодисасининг уч асосий ва кенг тарқалган тавсифи мавжуд. Биринчидан, матн тил тизимининг фонема, морфема, сўз, гап каби бирликларига нисбат берилган ҳолда қаралиб, ушбу тизимнинг энг юқори босқичидаги бирлик сифатида талқин қилинади. Табиийки, бундай ёндашувда матн грамматика нуқтаи назаридан ўрганилиб, асосий эътибор матн тузилишини таъминловчи синтактик-мазмуний муносабатлар, алоқалар турлари ҳамда ушбу алоқаларни шаклантирувчи лексик-грамматик воситалар мажмусини аниqlашга йўналтирилади. Иккинчидан, тавсиф марказида “фаолиятдаги, ҳаракатдаги лисон” гояси

туроди ҳамда матн тил тизимининг нутқдаги маҳсулси сифатида талқин этилади. Ниҳоят, учинчи талкинга кўра, матн – нутқий мулокот тизими бирлигидир, унда мулокот иштирокчилари – адресант ва адресат муносабати, мақсади ифодаланади [3, 174–184].

С.Боймирзаеванинг “Бадий матнда кўшма гап” номли монографиясида таъкидланишича, “Матннинг таркиб топиши ва мавжуд бўлишида ягона бир бутунликни ташкил этувчи мазмун доираси ва шакл кўринишлари турили асосга эга бўлади: мазмун бутунлиги воқеликдаги ҳодисани тўлиқ акс этириш мақсади билан боғлиқ бўлса, шакл ушбу мазмунни баён этиш учун хизмат қилувчи лисоний белгилар тузилмасидир. Демак, матн шаклий тузилиши жиҳатидан икки қобиқли ҳодиса сифатида қаралиши лозим, чунки унда жанр ва услуг шакллари бирикади. Бунда жанр умумий шаклнинг объектив асосини яратса, услуг унинг субъектив томонини юзага келтиради” [4, 7]. Шунга кўра, тузилаётган матн ахборот етказиши воситаси сифатида уни ўқувчига мўлжалланиб, таъсир даражасини таъминлаш мақсадида мулокот учун мақбул шакл ва мазмун (жанр ва услуг) билан таъминланади. Ушбу даражани ўрганиш ва эгаллашда тилшуносларнинг яхлит матн эмас, балки унинг бир компоненти (қисми) таълим обьекти ва предмети бўла олади, деган фикрига амал қилиш тўғри бўлади. Матн тузилишига доир билимларни ўзлаштиришнинг эса ижтимоий аҳамияти катта.

Бугунги кунда турли соҳалардаги қасб эгалари, тадбиркорлар ёзма шаклда ахборот бериш, ҳисоботлар ёзишдан – монологик нутқдан, шу жумладан, матн яратишдан кўп фойдаланмоқдалар, лекин улар яратоётган матнларда турли хил имловий, пунктуацион, синтактик, айни пайтда, маҳсус ўрганмай тузатиш кийин бўлган матний хатоларга йўл қўймоқдалар.

Кейинги даврда матн синтаксиси йўналишидаги жиддий изланишлар самараси ҳам кимматли монография ва кўлланмалар шаклида юзага чиқди. С.Мухамедова, М.Сапарниёзоваларнинг жаҳон тилшунослиги ҳамда ўзбек тилшунослигига бу борада яратилган ишлар тахлилидан билиш мумкинки, матн тузилиши билан боғлиқ масалалар ўз талкинини топа бошлади [5]. Бундай талкин ва тахлиллар рус ва ўзбек тилшунослярининг асарлари юзасидан методист олим М.Рихсиева томонидан ҳам амалга оширилди [6, 27].

Ўзбек тилшунослари ва методист олимлари матн лингвистикаси тарихига назар ташлар эканлар, хориж, ҳусусан, рус тилшунослари (А.М.Пешковский, Н.С.Поспелов, И.А.Фигуровский, И.Р.Гальперин Л.М.Лосева, Ф.И.Буслеев, Л.А.Булаховский, Г.Я.Солганик ва б.) матннинг гапдан катта синтактик бирлигини (қисми, (компонентини) турлича атаганлар: *суперсинтактик бутунлик, мураккаб синтактик бутунлик, абзац, дискурс, подтекст, қисм, гаплар гуруҳи, фразадан катта бирлик, матн компоненти, регистр, жумла, прозаик строфа, синтактик комплекс, монологик жумла, коммуникатив блок* ва ҳ.к.

Ўзбек тилшунослигига ҳам кейинги йилларда матн лингвистикасига доир бир қатор ишлар юзага келди. С.Мухамедова, М.Сапарниёзоваларнинг монографияда рус ва хориж тилшунослари, ўзбек тилшунослари [7] (М.Тўхсонов, А.Мамажонов, И.Расулов ва б.) матн тадқиқига бағишлиланган изланишлари асосида матн, унинг изоҳ ва талқинлари, матн компонентлари билан боғлиқ муаммоларнинг турли даврларда ечилиш тарихи, бугунги холосалар ҳакида муфассал сўз юритилган, бир қатор тилшунослар (М.Йўлдошев, Ш.Хайдаров, Ш.Шаҳобиддинова, З.Исоқов, И.Азимова ва б.) матнга доир ажраттан тил бирликлари ҳакидағи фикрларига эътибор қаратилган.

“Матннинг семантик-структур тузилишини рус тилидаги оғзаки ва ёзма нутқ мисолида батафсил тадқик этган Р.А.Каримова докторлик диссертациясида матн факат график, ёзма шаклдагина эмас, балки оғзаки шаклда ҳам намоён бўладиган нутқий асар эканлигини, бунда оғзаки шакл генетик асос эканлигини алоҳида таъкидлайди ва фактларнинг тахлиларидан келиб чиқсан ҳолда, “бир қарашда матн маконининг карама-карши нукталарида жойлашгандай кўринадиган оғзаки спонтан матн ва ёзма матн (бадий матн) умумий ҳусусият – муайян тузилишга эга” деган назарий холосага келади” [5, 21].

М.Йўлдошевнинг “Бадий матн лингвопоэтикаси” номли монографиясида матнни таҳлил этишдаги лингвопоэтик ёндашув, бадий матннинг фонетик-фонологик, лексик-семантик ва грамматик ҳусусиятлари ёритилди [8, 160].

2021 йили юқорида тилга олинган муаллифларнинг асарлари бирлашган ҳолда нашр қилинди [9, 188].

Хориж ва ўзбек тилшунослигига матн тадқиқига бағишлиланган ишларнинг аксариятида матн бирликлари ҳакида гап борганда, тахлиллар пировардида шундай бирликлар сифатида, асосан, суперсинтактик бутунлик, мураккаб синтактик бутунлик ва абзац сабаб ўтилган. Айрим манбаларда мураккаб синтактик бутунлик ва абзац тушунчалари тенглаштирилган, айримларида фарқланган. Мактаб она тили таълими учун улардан кай бирини танлаш кераклигини ҳал килиш мақсадида яна тилшуносликка доир манбалардан уларнинг муштарак ва фарқли жиҳатлари ёритилган фикрларга мурожаат этамиз.

Барча ишлар пировардида гап мураккаб синтактик бутунликка, бальзан унга тенг келадиган абзацга бориб тақалади. Она тили дарсларида матн тузилишини ўргатиш учун мўлжалланадиган таълим мазмунини белгилашда мураккаб синтактик бутунлик ёки абзацдан кай бирини асос қилиб олиш зарурияти туғилади.

Тилшунос М.Йўлдошевнинг “Бадий матн лингвопоэтикаси” номли кўлланмасида бадий матн ҳакидағи фикрлар шундай изоҳланади: “Бадий матн бадий асар мазмунини ифодалаган, функционал жиҳатдан тугалланган, тилнинг тасвир имкониятлари асосида шаклланган, ўзида турли услуг кўринишларини муаллиф ихтиёрига кўра эркин жамлай оладиган, кишиларга эстетик завқ бериш ҳусусиятига эга бўлган ғоят мураккаб бутунлик ҳисобланади. Бадий матнда бошқа услуг матнларида бўлганидек, катъий мантиқ, соддалик, тушунарлилик, нормативлик каби қонуниятларга тўла-тўқис амал қилинавермайди. Унда бадий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилади. Таъсирчанлик биринчи планга кўтарилади. Оҳангдор, жозибадор сўзлар кўп кўлланади. Тасвирланаётган вокеликда уйғун бир мусиқа, ички бир гармония сезилиб туради” [10, 35]. Кўринадики, муаллиф матн тузилиши ҳакида гапиргандага мураккаб бутунлик ифодасини кўллаган.

М.Рихсиевнинг “Таълим рус тилида олиб борилалигидан мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларни матн тузишга ўргатиш” мавзусидаги тадқиқот ишининг биринчи фасли (“Матн тузилишининг назарий асослари”)да бир қатор масалаларни (1. Матн ва МСБ муносабати. 2. Матн ва мавзу. 3. МСБ ва абзац. 4. МСБнинг ташкилий (композицион) қисмлари. 5. МСБнинг семантик-грамматик курилиши) кўриб чиқар экан, матн лингвистикасининг тилшуносликда ёритилишини таҳлил қилган. Ушбу муаммога аниқлик киритиш мақсадида муаллиф рус тилшунослари ва

методист олимларининг матн лингвистикасига доир фикрларига таянган.

М.Рихсиева ушбу таҳлиллар асосида А.М.Пешковский, Н.С.Поспелов, И.А.Фигуровскийларнинг мураккаб синтактик бирлик ҳақидаги айрим фикрларини келтиради:

А.М.Пешковский бу мураккаб синтактик бирликни “абзац” деб атаб, унга шундай таъриф берди: “Асл адабий нутқда (сўзлашув нутқида эмас) мураккаб бутунликдан ҳам йирикроқ бирлик бор. Бу бир хат бошидан иккинчисигача бўлган мураккаб бутунликлар бирикмасидир. Афсуски, ушбу бирлик учун синтактик атама мавжуд эмас, шунинг учун биз бу ерда типографик (бунинг устига чет тилдаги) “абзац” атамасидан фойдаланишга маъжбурмиз [6, 16].

Професор Н.С.Поспелов, жумладан, катта бирликни бирмунча кенгроқ таърифлаб, “... боғланишли нутқнинг синтактик бирлиги содда ёки кўшма гап эмас, балки боғланишли нутқ контекстидан ажратиб олинганда ҳам ўзининг синтактик жиҳатдан мустакиллик ва тугалланганлик хусусиятларини сақлаб колувчи мураккаб синтактик бутунлик” эканлигини таъкидлади [6, 16-17].

И.А.Фигуровский матн компонентларини уларнинг куйидаги 8 хусусиятига кўра таснифлайди:

- 1) мазмун бирлиги;
- 2) мазмуннинг аниқлиги;
- 3) бирор гап ёки компонентга нисбатан яхлит компонент учун умуний бўлган мавхум муносабат;
- 4) компонентта кирган гаплар орасида кўшма гап кисмлари орасидаги муносабатга қараганда сўзларнинг катта гурухларини камраб олиш оқибатида юзага келадиган анча чукур муносабатлар;
- 5) боғланишнинг кўп томонламалиги;
- 6) тугалланган гаплар орасидаги муносабатни информдалаш учун грамматик воситалар, шунингдек, улар билан бир қаторда лексик воситаларнинг нисбатан эркин кўлланиши;
- 7) гапларнинг одатдагидек тўлиқ бўлмаслиги;
- 8) кўп ҳолларда предметларнинг номлари, белги-хусусиятлари, харакат-ҳолатларини олмошлар ва олмошли бирикмалар билан алмаштириб кўллаш [6, 18-19].

Аён бўладики, синтактик бирлик компонентлари ҳақида гап кетганда, абзац компонентларга ажратilmайди, балки мураккаб синтактик бутунлик асос қилиб олинади.

Ушбу таҳлиллар кенгайтирилган, айрим аниқликлар киритилган ҳолда Р.Йўлдошев, М.Рихсиеваларнинг “Иншолардаги матний хатолар, уларни тузатиш методикаси” номли методик қўлланмасининг биринчи бобида ўз аксини топган [11].

М.М.Рихсиева қўйидаги хulosага келади: “... мураккаб синтактик бутунлик чегарасини аниқлашда,

юкорида кўрсатилган барча белгиларни эътироф этган ҳолда, кичик мавзулар асосий кўрсаткич хисобланади, деб айтиш мумкин” [6, 8]. Юкорида келтирилган барча таърифларни умумлаштириб айтганда, мураккаб синтактик бутунлик бир мавзу атрофида бирлашган, мазмунан, шаклан ва грамматик жиҳатдан ўзаро боғланган, фикрий тугалликка эга бўлган ва мантиқий изчиликка асосланган гаплар бирикмасидан иборат синтактик бирликлар [6, 21].

Н.С.Валгина “Теория текста” номли қўлланмасида абзац билан мураккаб синтактик бутунликнинг фарқини аниқ-равшан қилиб очишга ҳаракат қилган:

“Абзац – бу матннинг композицион-стилистик бўлиниш бирлиги; бу матннинг икки хатбоши орасига олинган кисми.

Мураккаб синтактик бутунлик – бу бошлама-жумла (ёки бир бутунлик мазмунини ўзига камраб оладиган таянч жумла) билан очиладиган тема-рематик изчилик (кетма-кетлик). Мураккаб бутунликларнинг айни бошлама-жумлалари ўзаро матннинг мазмуний ўзанини ҳосил қиласи” [1, 36].

Э.Н.Осипова “Лингвистика текста и текстовый аспект изучения синтаксиса в школе” номли ўкув-методик тавсияларида қуйидаги хulosага келади: “...матннинг маъно-мазмуний бир бутунлиги мазмун бирлиги орқалигина эмас, балки материалнинг танланиши асосий фикрга бўйсундирилиши орқали ҳам эришилади. Матн сарлавҳасида мавзу ёки асосий фикр билдирилади. Шунинг учун сарлавҳа матн композициясининг бир кисми; унинг кучли позицияси (бу муаллифнинг биринчи сўзи) хисобланади. Матннинг иккинчи сифати бўлинувчанлигидир: унинг айрим кисмлари, мустақил матний тузилмалар, бўлимларга, кисмларга, параграфлар ва х.к.га прагматик бўлиниши мумкинлиги. Бўлинувчанлик жараёнида етакчи мавзу кичик мавзуларга парчаланади, улар микромавзуларга бўлинади. Уларнинг ҳар бири олдингилари ва кейингилари билан боғланган бўлади – шу тарзда матннинг боғланишилигига эришилади, бу нарса кисмларнинг ташки алоқалари, уларнинг мотивланган жойлашуви ҳамда маъно-мазмуний узвийлиги орқали таъминланади. Маъно-мазмуний бир бутунлик (яхлитлик) мавзувийлик билангина эмас, балки муаммолилик ва гоявий мазмун орқали эришилади. Матнда микромавзуга абзац ёки мураккаб синтактик бутунлик (МСБ) мос келади. Абзац бир нечта МСБдан иборат бўлиши ва, аксинча, бир нечта абзац битта МСБни ҳосил қилиши мумкин. Маъно-мазмуний таҳлил даражасида абзац бошка бўлинмайди, унинг ҳар бир элементи (хатто товуш) маънога эга бўлади. Ёзма матннинг ушбу композицион маъно-мазмуний бирлик муайян тузилишига эга: таянч ва изоҳловчи кисмдан иборат бўлиши, уч кисмли тузилмага: таянч жумла, изоҳловчи кисм ва тугалланмага эга бўлиши ҳам мумкин [12, 4].

Бир абзацда бир нечта МСБнинг қамраб олиниши кўпроқ илмий матнларда, баъзан ўқувчиларнинг иншоларида учраб туради. Ўзаро якин кичик мавзуларда баён ҳажми 3—4 гапдан иборат бўлган холларда шундай ҳолат кузатилади. Масалан, “Она меҳри” кичик мавзусига “Онанинг фарзандларини меҳр билан парвариш килиши” кичик мавзуси яқин мавзулар хисобланади. Бунда “Она меҳри” мавзуси баёнига “Онанинг фарзандларини меҳр билан парвариш килиши” кичик мавзуси баёни уланиб кетади, натижада бир абзацда иккита МСБ қамраб олинган бўлади.

Н.С.Валгина, бир абзацда бир нечта мураккаб синтактик бутунлик бўлиши ва, аксинча, бир мураккаб синтактик бутунликда бир нечта абзац бўлиши мумкинлигини тъкидлаб, қуидаги мисолларни келтиради [1, 45]:

Бир мураккаб синтактик бутунлик – тўрут абзаца:

*Всякая любовь прекрасна. И только она одна и прекрасна.*

*Потому что на земле единственное «в себе самом истинное» – это любовь.*

*Любовь исключает ложь: первое «я солгал» означает: «я уже не люблю», «я меньше люблю».*

*Гаснет любовь – и гаснет истина. Поэтому «истинствовать на земле» значит постоянно и истинно любить* (В.В. Розанов. Уединенное).

Бир гап-фирда – тўрут абзац:

*Операциям обработки подвергаются:*

*выходные величины датчиков;*

*результаты измерений (выходные данные измерительных устройств);*

*результаты предварительной первичной обработки данных.*

Н.С.Валгина келтирган мисолларда абзац мураккаб синтактик бутунликдаги фикрларга мантикий ургуберган ҳолда, ажратиш воситаси бўлиб хизмат қилган.

Кўринадики, абзац бир жихатдан хатбоши вазифасини бажарса, иккинчи томондан, у кичик мавзу доирасида бирлашган гапларни ажратиш, айрим муҳим фикрларга мантикий ургу бериш учун хизмат килади. Бунда у ташкилий-техник вазифанигина бажармай, Н.С.Валгина юкорида таърифлаганидек, “матннинг композицион-стилистик бўлиниш бирлиги” хисобланади.

Н.С.Валгинанинг фикрича, “Абзацинг асосий

мўлжалди – матнни унинг компонентларини ажратиш мақсадида парчаларга бўлиш, бу нарса, шубҳасиз, хабарнинг идрок этилишини осонлаштиради, чунки ўқиш пайтида бир қадар “дам олдиради”, шунингдек, акцентларни жой-жойига кўяди. Абзациларга бўлинманган матн қийинчилик билан идрок этилади; унинг китобхонга бўлган таъсир кучи пасаяди. Ўқишнинг кийинлашганлиги кизикишнинг йўқолишига ва диккатнинг ўтмаслашувига олиб келади” [1, 46].

Абзациларга бўлиннишнинг асосий вазифаси куйидагилардан иборат: мантикий-мальновий, экспрессив-эмоционал, акцентли-ажратувчили [1, 49].

Интеллектуал абзациларга мавзувий бўлиниш (янги абзац янги мавзуни очади), эмоционал идрокка мўлжалланганлари акцентли абзацилар, экспрессив-ажратувчи абзацилар. Муаллифнинг субъектив қарашларига кўра ҳам абзацилар ажратилади [1, 49].

Матннинг коммуникатив яхлитлиги МСБларда маълум мавзунинг янги мавзу билан, МСБдаги ёнма-ён турган гапларда маълум хабарнинг янги хабар билан алмашиб, бойиб, ойдинланиб боришида ўз ифодасини топади. Бунда таниш (дастлабки) хабар тема, янги хабар рема деб аталади. Навбатдаги хабар учун эса аввалги рема (янги хабар) темага (таниш хабарга) айланади [11, 31].

Кўринадики, мавжуд манбаларда матн тузилиши, уни ташкил этувчи компонентлар маълум даражада кенг ва батафсил ёритилган. Ушбу манбалар методик муаммоларни ҳал этиш учун етарли лингвистик асос бўлиб хизмат килади.

Юкорида келтирилган фикрлар, таҳлил ва талқинлар асосида шундай холосага келишимиз мумкинки, ҳар кандай катталикдаги матндан ажратиб олинганда ўз синтактик тузилиши жиҳатидан мустакиллик ва тугалланганлик хусусиятларини саклаб колувчи мураккаб синтактик бутунлик таълимий бирлик сифатида белгиланиши, абзац унинг шаклий компоненти, мураккаб синтактик бутунликнинг уни ўқувчига таъсир кучини ошириш, мантикий ургу бериш мақсадида бир неча абзатга бўлиб кўрсатиш воситаси деб каралиши керак.

Мактаб она тили таълимида ўқувчиларни берилган кичик мавзуда матн тузишга ўргатиш учун мураккаб синтактик бутунлик, унинг шаклий компоненти бўлган абзац (хатбоши) танланиши мақсадга мувофиқ.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Валгина Н.С. Теория текста. Москва, Логос. 2003.— 191 с.; Фридман Л.Г. Грамматические проблемы лингвистики текста. — Изд-во Ростовского университета, 1984. 133 с.; Валгина Н.С. Теория текста. Москва: Логос, 2003.— 191 с.; Осипова Э.Н. Лингвистика текста и ткучтовый аспект изучения синтаксиса в школе. Учебно-методические рекомендации. Издание 3-е, дополненное. — Архангельск: Поморский государственный университет им. М.В.Ломоносова, 2009.— 38 с.

2. Qurbonova M. Matn tilshunosligi. — T.: “Universitet”, 2014. — 114 b.; Muhammedovadova S., Saparniyozova M. Matn lingvistikasai. — T., www.ziyouz.com kutubxonasi, 2011. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. — T.: “Фан”, 2008. — 160 бет.

3. Левченко Е.В. О первичных и вторичных свойствах текста // Стереотипность и творчество в тексте. – Пермь, 2004, Вып.7. – С.174– 184; Brinker K. Linguistische Textanalyse. Eine Einführung in Grundbegriffe und Methoden. – Berlin, 1997.
4. Боймирзаева С. Бадий матнда кўшма гап. Монография. – С.: СамДУ нашри, 2008.
5. Muhamedova S., Saparniyozova M. Matn lingvistikasi. – Т., 2011. – 117 б.
6. Рихсиева М. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўкувчиларни матн тузишга ўргатиш. Пед.ф.номз. ... дисс. – Т., 1996.
7. Тухсанов М. Микротекст и система выражения его когерентности в узбекской художественной речи: Автoref. дисс. к-та филол. наук. –Т., 1987; Mamajonov A. Tekst lingvistikasi. – Toshkent, 1989; Mamajonov A., Abdupattoev M. Matn sintaksisi. – Farg‘ona, 2002; Rasulov I. Murakkab sintaktik butunlik // O‘zbek tili va adabiyoti, 1983, 1-son, 22-б.
8. Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. – Т.: “Фан” нашриёти, 2008. – 160 бет.
9. Yo‘ldoshev M., Muhamedova S., Saparniyozova M. Matn lingvistikasi. [Matn]: o‘quv qo‘llanma. – Т.: “Ishonchli hamkor”, 2021. – 188 б.
10. Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Т.: “Фан”, 2007, 35-бет.
11. Yo‘ldoshev, R.A., Rixsiyeva, M.M. Insholardagi matniy xatolar, ularni tuzatish metodikasi. – Т.: “Fan va texnologiyalar”, 2019.
12. Осипова Э.Н. Лингвистика текста и текстовый аспект изучения синтаксиса в школе. Учебно-методические рекомендации. Издание 3-е, дополненное. – Архангельск: Поморский государственный университет им. М.В.Ломоносова, 2009. – с. 4.



## MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARI ME'YORIY HUJJATLARINI YURITISH TIZIMINI RAQAMLASHTIRISHNING METODLARI, SHAKLLARI VA VOSITALARI

**Madinabonu Tairova,**

Andijon davlat pedagogika instituti v.b. dotsenti p.f.f.d. (PhD);

**Nargiza Qodirova,**

Andijon davlat pedagogika instituti o‘qituvchisi

### **Annotatsiya**

Ushbu maqola maktabgacha ta'lif tashkilotlari me'yoriy hujjalilarini yuritish tizimini raqamlashtirishning metodlari, shakllari va vositalari rivojlantirishning muammo va dolzarbliji hamda kompyuterlardan foydalanish orqali ta'linda tarmoq texnologiyalarining rivojlanishi yoritilgan.

**Kalit so‘zlar:** maktabgacha ta'lif tashkilotlari, me'yoriy hujjalilarini tizim, raqamlashtirish, metodlari, shakllari va vositalari tayyorlash, ta'lif, tarbiyachi, jarayon, takomillashtirish.

### **Аннотация**

В данной статье освещаются проблемы и актуальность разработки методов, форм и средств оцифровки системы ведения нормативной документации дошкольных образовательных организаций, а также развитие сетевых технологий в образовании посредством использования ЭВМ.

**Ключевые слова:** система, оцифровка нормативных документов дошкольных образовательных организаций, методы, формы и средства подготовки, воспитания, процесса, совершенствования.

### **Annotation**

This article covers the problem and relevance of the development of methods, forms and means of digitization of the system of maintaining regulatory documents of preschool educational organizations and the development of network technologies in education through the use of computers.

**Keywords:** preschool educational organizations, system, digitization of regulatory documents, preparation of methods, forms and tools, education, educator, process, improvement.

O‘zbekiston Respublikasida mamlakatning jadal raqamli rivojlanishini ta’minalash, hududlarda raqamli tafovutni bartaraf etish, innovatsion mahsulotlarni ishlab chiqish uchun zarrur muhitini yaratish bo‘yicha ma’lumotlarga

asoslangan raqamli iqtisodiyotni shakllantirish, davlat boshqaruvi samaradorligini oshirish, aholi va tadbirkorlik subyektlariga qulay davlat xizmatlarini ko‘rsatish maqsadida 2020-yil 5-oktabr kuni O‘zbekiston Respublikasi